

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**ҚУРБОНОВА ФИРУЗА ЗАРИПОВНА**

**ЯССИ МАТЕРИАЛЛАРГА МЕХАНИК ИШЛОВ БЕРИШ  
ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ УЧУН ВАЛЛАР  
ЖУФТЛИГИНИНГ ЎЗARO ТАЪСИРИ ТАДҚИҚИ**

**05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника  
ва роботатехника тизимлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Курбонова Фируза Зариповна**

Ясси материалларга механик ишлов бериш жараёнларини  
такомиллаштириш учун валлар жуфтлингнинг ўзаро таъсири  
тадкики ..... 3

**Курбанова Фируза Зариповна**

Исследование контактного взаимодействия в валковых парах для  
совершенствования процессов механической обработки листовых  
материалов ..... 23

**Kurbanova Firuza Zaripovna**

Research of contact interaction in roller pairs for improving the processes of  
mechanical treatment of sheet materials ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 47

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**ҚУРБОНОВА ФИРУЗА ЗАРИПОВНА**

**ЯССИ МАТЕРИАЛЛАРГА МЕХАНИК ИШЛОВ БЕРИШ  
ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ УЧУН ВАЛЛАР  
ЖУФТЛИГИНИНГ ЎЗARO ТАЪСИРИ ТАДҚИҚИ**

**05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника  
ва роботатехника тизимлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/T1010 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент архитектура қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.namnti.uz](http://www.namnti.uz)) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хуррамов Шавкат Раҳматуллаевич  
техника фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Джўраев Анвар Джўраевич  
техника фанлари доктори, профессор

Хожиматов Расулжон Солиевич  
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Андижон машинасозлик институти

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги Ph.D.03/30.12.2019.T.66.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «08» январь соат 11<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160115, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 228-76-68, факс: (69) 228-76-75, e-mail: [nei\\_info@edu.uz](mailto:nei_info@edu.uz), Наманган муҳандислик-технология институти маъмурий биноси, 1-кават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (435-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 228-76-68.)

Диссертация автореферати 2021 йил «27» декабрь куни тарқатилди.  
(2021 йил «27» декабрдаги №59-рақамли реестр баённомаси).



Р.Мурадов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
техника фанлари доктори, профессор

Х.Т.Бобожанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, техника фанлари доктори, доцент

Қ.М. Холиков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, техника фанлари доктори, профессор

## КИРИШ ( фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда чарм ва чарм маҳсулотлари кенг миқёсда ишлаб чиқариладиган ва кўп миқдорда сотиладиган маҳсулотлардан бири ҳисобланади. Улар қайта тикланадиган ва осон мавжуд бўлган манбалардан ишлаб чиқарилади. Ҳозирги вақтда чарм саноати савдоси йилига 80 миллиард АҚШ долларидан ошади ва бу аҳоли сонининг кўпайиши ва мамлакатларнинг урбанизацияси туфайли ўсиши кутилмоқда<sup>1</sup>. Бугунги кунда сифатли чарм маҳсулотларини ишлаб чиқаришда энергия-ресурстежамкор технология ва техника воситаларини қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Жаҳонда ишлаб чиқаришнинг кўплаб соҳаларида турли технологик жараёнларни бажаришда қўлланилаётган машиналарнинг энг самарадор ва универсал турларидан бири валокли машиналар ҳисобланади. Шу сабабли амалдаги валокли машиналарни ва уларда бажариладиган мавжуд технологияларни такомиллаштириш ҳамда янги ва яхлит ҳолга келтирилган технологик жараёнларни ва улар амалга ошириладиган ускуналарни яратишда валлар жуфтлигидаги контактли ўзаро таъсир назариясининг масалаларини тадқиқ этиш ва ечиш ҳамда ресурстежамкор ва автоматлашган технологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда валокли машиналарда бажариладиган функционал вазифаларнинг хилма-хиллиги, уларнинг параметрларига қўйиладиган талабларнинг фарқланиши ва ишлов берилаётган материаллар хоссаларининг турли-туманлиги сабабли валлар жуфтлигидаги контактли ўзаро таъсир назариясининг масалаларини ечишга ва валокли машиналарнинг технологик параметрларини асослашга оид кўплаб ишлар олиб борилмоқда. Аммо, уларда яратилган математик моделларнинг аксарияти етарли даражада аниқликка эга эмас ва қўлланилиш соҳаси чегараланган. Бугунги кунда уларни контактли ўзаро таъсир назарияси бўйича янги билимларни ҳамда охириги йилларда яратилган технологик жараёнлар ва усуналарни инобатга олган ҳолда тараққий эттириш ва такомиллаштириш нафақат долзарб, балки мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Республикамизда янги типдаги ресурс тежамкор валокли машиналарнинг конструкцияларини ҳамда рақобатбардош ва юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришнинг янги технологияларини яратиш учун фундаментал ва амалий тадқиқотларни жадал ривожлантириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга

---

<sup>1</sup> <https://www.sciencedirect.com/topics/earth-and-planetary-sciences/leather-industry>

энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу биринчи галдаги вазифаларни амалга оширишнинг муҳим масалаларидан бири ишлов берилаётган материалнинг, жумладан чарм ярим маҳсулотининг хромли ошлашдан кейинги хоссаларини ҳисобга олган ҳолда технологик жараёнларни такомиллаштириш ва уларни амалга ошириш учун юқори унумли ва ресурс тежамкор валокли технологик машиналарни яратиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ- 4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ- 5544-сон «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси тўғрисида»ги ва 2000 йил 23 февралдаги ПФ- 2552-сон «Республика иқтисодиётининг чарм-пойабзал тармоғини бошқариш тизимларини такомиллаштириш тўғрисида» ги Фармонлари ва 2021 йил 8 февралдаги ПҚ-4982-сон «Чарм- поябзал ва мўйначилик соҳаларини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва энергия-тежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Валлар жуфтлигидаги контактли ўзаро таъсир назариясининг асосий масалаларини тадқиқ этиш ва ечиш билан ҳорижлик тадқиқотчилар J.J. Munton, S. Alenka, A.Murillo-Morradan, P.P. Gudur, V. Alexa, S.A. Ratiu, M. Salimi, M.A. Tolcha, L.F. Nasimento, Sh. Chen, X. Tan, G. Tzou, X. Fend, R. Pernis ва бошқалар шуғулланишган.

Металлургия, текстил ва енгил саноат валокли машиналарининг валлар жуфтлигидаги контакт кучланишларининг назарий тадқиқотига А.И.Целиков, А.А.Королев, А.В.Третьяков, Г.К. Кузнецов, Ю.Г. Фомин, А.Г.Бурмистров, Б.А.Койайдаров ва бошқаларнинг ишлари бағишланган.

Республикамизда чарм ярим маҳсулотинининг сиқиш валлари билан контактли ўзаро таъсирини ўрганиш ва улар асосида янги типдаги чарм ярим маҳсулотини сиқиш машиналарини яратиш ва уларнинг параметрларини ҳисоблаш бўйича методикаларни ишлаб чиқишга бағишланган тадқиқотлар Г.А.Бахадиров, Т.Ю.Аманов, Ш.Р.Хуррамов, А.Абдукаримов, Г.Н.Цой ва бошқалар томонидан бажарилган.

Валлар жуфтлигида контактли масалаларни ўрганиш бўйича жуда кенг миқёсдаги материалларнинг мавжудлигига қарамасдан валлар жуфтлигида

---

<sup>2</sup> <https://www.Lex.uz/acts/3107036>. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

контактли ўзаро таъсир масалаларини ечишнинг назарий асослари ҳали етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Бу шу вақтгача валоклар контакт эгри чизикларининг ҳамда уринма ва нормал контакт кучланишларини боғловчи ишқаланиш кучланишларининг математик моделлари яратилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши ЎзР. ФА нинг механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг № БВ-М-Ф4-001 «Гидродинамика ва машинасозлик масалаларини математик моделлаштириш ва ечишнинг янги методлари асосида тадқиқ этиш» (2017–2020) мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** материалларга валокли машиналарда механик ишлов бериш жараёнларини валлар жуфтлигидаги контактли ўзаро таъсир тадқиқоти асосида такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

асимметрик валлар жуфтлигининг контакт бурчакларини аниқлаш ва баҳолаш;

контакт эгри чизикларнинг шаклларини ҳамда нормал ва уринма контакт кучланишларни тақсимот қонуниятларини моделлаштириш;

валлар жуфтлигидаги контактли ўзаро таъсир параметрлари ва кўрсаткичларини ҳисоблаш учун аналитик ифодаларни аниқлаш;

назарий ва тажриба тадқиқотлари натижалари асосида чарм ярим маҳсулотини валокли сиқишнинг оптимал параметрларини ҳисоблаш методикасини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** – енгил саноат, жумладан, чарм ярим маҳсулотини валокли сиқиш машиналарининг валлар жуфтлиги.

**Тадқиқотнинг предмети** – валлар жуфтлигидаги контактли масалалар назарияси ва валокли технологик машиналар параметрларини ҳисоблаш методлари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда контактли ўзаро таъсир назарияси, математик моделлаштириш, енгил саноат машиналарини лойиҳалаш назарияси, математик анализ, математик статистика ва тажрибани режалаштириш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

асимметрик валлар жуфтлиги контакт бурчакларининг аналитик ифодалари аниқланган;

контактлашаётган жисмларнинг деформациявий хоссалари реологик моделлар орқали берилганида валлар жуфтлигидаги контакт эгри чизиклари шаклларининг ва контакт кучланишлари тақсимот қонуниятларининг математик моделлари яратилган;

контактлашаётган жисмларнинг деформациявий хоссалари реологик моделлар орқали берилганида контакт эгри чизикларининг геометрик ва кинематик кўрсаткичларини ҳамда валлар жуфтлигидаги энергиявий куч параметрларини ҳисоблаш учун аналитик ечимлар топилган;

чарм ярим маҳсулотини валокли сиқиш параметрларини оптималлашга имкон берувчи чарм ярим маҳсулоти деформациявий хоссаларининг, контакт эгри чизикларининг ва чарм ярим маҳсулоти қолдиқ намлигининг тажрибавий математик моделлари яратилган;

босимнинг характеристикаси сифатида солиштирма босимдан фойдаланадиган чарм ярим маҳсулотини валокли сиқиш оптимал параметрларини ҳисоблаш методикаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

чарм ярим маҳсулотини валокли сиқишнинг оптимал параметрларини ҳисоблаш методикаси яратилган;

чарм ярим маҳсулотининг валлар жуфтлиги билан контактли ўзаро таъсири ҳодисаси физик моҳиятини очишга имкон берувчи чарм ярим маҳсулотининг хромли ошлашдан кейинги деформациявий хоссалари аниқланган.

**Олинган натижаларнинг ишончлилиги** ўтказилган тадқиқотларнинг контактли ўзаро таъсир назариясининг ҳамда енгил ва текстил саноатлари машиналарини лойиҳалашнинг замонавий усулларини қўллаган ҳолда бажарилиши, илмий ёндашув ва таҳлиллар асосида олинган натижаларнинг жаҳондаги етакчи марказлар мутахассисларининг назарий маълумотларига мос келиши ва етакчи илмий нашрларда чоп қилиниши билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти валлар жуфтлигидаги контактли ўзаро таъсир назариясининг ривожланишига катта ҳисса қўшувчи контактлашаётган жисмларнинг деформациявий хоссалари реологик моделлар орқали берилганида валлар жуфтлигидаги контакт эгри чизиклари шакллари ва контакт кучланишлари тақсимот қонуниятларининг математик моделлари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти чарм саноати валокли сиқиш машиналарининг рационал параметрларини ва ишлаш режимларини аниқлаш ва баҳолашга имкон берувчи чарм ярим маҳсулотини валокли сиқиш параметрларини ҳисоблаш методикасининг яратилиши, валлар жуфтлигидаги ҳодисаларнинг физик моҳиятини очишда амалий аҳамиятга эга бўлган чарм ярим маҳсулотининг хромли ошлашдан кейинги деформациявий хоссаларининг аниқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Чарм маҳсулотларини ишлаб чиқаришда материалларга валокли машиналарда механик ишлов бериш жараёнларидаги параметрларини оптималлаш ва иш режимларини асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

чармни валокли машиналар билан сиқиш жараёнини математик моделлаштириш ва такомиллаштириш бўйича бажарилган тадқиқотлар негизида олинган чарм ярим маҳсулотини валокли сиқиш жараёнининг назарий натижалари, волокли сиқишнинг самарадорлигини аниқлашнинг ҳисоблаш формулалари ва чармни ярим маҳсулотини валокли сиқишнинг оптимал параметрларини аниқлаш методикаси «ЎЗЧАРМСАНОАТ» уюшмасининг корхоналарида хусусан «QARSHI LEATHER» МЧЖ,



«ULKAN-LAZIZ» МЧЖ, «OSIYO CHARM FAYZ» МЧЖ да («ЎЗЧАРМСАНОАТ» уюшмасининг 2021 йил 12 октябрдаги ФБ-7/2651-сон маълумотномаси) ишлаб чиқаришга жорий қилинган;

натижادا чарм корхоналарида табиий чарм ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларини такомиллаштириш орқали иқтисодий самара олиш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 та халқаро миқёсдаги анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 11 та, жумладан Scopus базасидаги журналларда 6 та мақола нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари баён қилинган, объекти ва предмети келтирилган, республика фан ва технологияларини ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси, натижаларнинг нашр қилинганлиги ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг “**Материал қатининг валлар жуфтлиги билан контактли ўзаро таъсири ҳақида замонавий қарашлар**” деб номланган биринчи бобида валлар жуфтлигида ўзаро контактли таъсир назарияси масалаларини ечишнинг ҳозирги ҳолати очиқ берилган ва материал қатининг валлар жуфтлиги билан ўзаро таъсири характери ва функционал тузилиши кўриб чиқилган. Ушбу масалалар бўйича тадқиқотлар ўтказилиши зарурлиги асосланган ва материалларни валокли машиналар билан механик ишлов бериш жараёнларини такомиллаштириш йўналишлари баён қилинган.

Валлар жуфтлигида контактли ўзаро таъсир назариясининг асосий масаласи нормал ва уринма кучланишларни тақсимотини моделлаштириш ҳисобланади. Бунда, валлар жуфтлиги контакт соҳасида ишқаланиш таъсирини инобатга олувчи ва нормал ҳамда уринма кучларни баҳоловчи ишқаланиш кучланишлари моделлари, ўзаро контактли таъсирдаги жисмларнинг юмшоқлигини инобатга олувчи контакт эгри чизиклари шаклининг моделлари ва контакт масалаларининг чегаравий шартларини

аниқловчи контакт бурчакларининг аналитик ифодалари асосий омиллар ҳисобланади.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги кунда икки валокли асимметрик модулларда бошланғич контакт бурчакларининг, турғун жараёндаги қамров ва чиқиш бурчакларининг оммавий қабул қилинган моделлари, материал қатининг валлар жуфтлиги билан ўзаро таъсирида контакт эгри чизикларининг шаклини ифодаловчи аналитик тенгламалари ва контакт кучланишларининг коррект моделлари мавжуд эмас.


Контакт бурчакларининг, контакт эгри чизиклари шаклининг ва ишқаланиш кучланишлари моделларининг йўқлиги валлар жуфтлигида контакт кучланишларининг тажрибавий эпюралар билан мос тушадиган назарий тақсимот қонунларининг топиш имконини бермайди. Натижада, икки валокли моделларнинг энергиявий куч параметларини ҳисоблашда ноаниқ формулалардан фойдаланишга тўғри келади.

Диссертация ишининг “**Материал қатининг валлар жуфтлиги билан контактли ўзаро таъсирини моделлаштириш**” деб номланган иккинчи боби валлар жуфтлигидаги контактли ўзаро таъсирини назарий тадқиқотига бағишланган.

Валлар жуфтлигидаги контактли ўзаро таъсир масалалари тадқиқоти 1-расмда келтирилган умумлашган икки валокли модулда бажарилди. Бу модулда валлар вертикалга нисбатан  $\beta$  бурчак остида ўнгга қия жойлашган, тенг бўлмаган диаметрларга ( $D_1 \neq D_2$ ) ва турли қаттиқликдаги ва ишқаланиш коэффициентли ( $f_1 \neq f_2$ ) эластик ўрамаларга эга. Материал қати бир хил  $\delta_1$  қалинликка эга ва марказлар чизиғига (валлар айланиш марказларини туташтирувчи чизик) нисбатан  $\gamma_1$  бурчак остида қуйига узатилган, валлар орасидаги масофа  $h$  га тенг.

Валлар жуфтлигидаги контакт бурчакларининг қиймати биринчи галда валларга ҳаракат бериш усулига боғлиқ. Валлар жуфтлигида ҳаракат бериш усулига кўра валлар узатиш механизмига эга бўлган узатмали валларга ва валлар контакт сиртида ҳосил бўладиган ишқаланиш ҳисобига ҳаракат олувчи узатмасиз (эркин) валларга бўлинади.

Иккита узатмали валга эга бўлган умумлашган икки валокли модулдаги геометрик шартларнинг назарий тадқиқоти асосида контакт



1-расм. Материал қатининг валлар жуфтлиги билан ўзаро таъсири схемаси.

бурчакларининг куйидаги ифодалари топилди:

– материал қатининг валлар билан дастлабки уринишидаги контакт бурчаклари

$$\alpha_{11} = \frac{1}{R_1 + R_2} (R_2(\nu_1 + \nu_2) + \delta_1 \gamma_1), \quad \alpha_{21} = \frac{1}{R_1 + R_2} (R_1(\nu_1 + \nu_2) - \delta_1 \gamma_1), \quad (1)$$

бу ерда  $\nu_1$  ва  $\nu_2$  – куйи ва юқори валларнинг материал қати билан дастлабки уринишида ишқаланиш бурчаклари;

– турғун жараёнда қамров ва чиқиш бурчаклари

$$\varphi_{11} = \frac{1}{R_1 + R_2} \left( R_2(\nu_1 + \nu_2) \sqrt{\frac{\delta_1 - h_1}{\delta_1 - h}} + \delta_1 \gamma_1 \right), \quad \varphi_{21} = \frac{1}{R_1 + R_2} \left( R_1(\nu_1 + \nu_2) \sqrt{\frac{\delta_1 - h_1}{\delta_1 - h}} - \delta_1 \gamma_1 \right); \quad (2)$$

$$\varphi_{12} = \frac{1}{R_1 + R_2} (R_2(\nu_{12} + \nu_{22}) + \delta_2 \gamma_2), \quad \varphi_{22} = \frac{1}{R_1 + R_2} (R_1(\nu_{12} + \nu_{22}) - \delta_2 \gamma_2). \quad (3)$$

(1) - (3) боғланишлар бўйича бурчаклар ҳисоби натижалари куйидагиларни кўрсатди:

– юқори вал радиуси ўсиши билан материал қатининг валлар билан дастлабки уринишидаги ва турғун жараёндаги контакт бурчаклари куйи валда ўсади, юқори валда эса камайди;

– материал қатининг марказлар чизиғига оғиш бурчаги камайиши билан материал қатининг валлар билан дастлабки уринишидаги ва турғун жараёндаги контакт бурчаклари куйи валда камайди, юқори валда эса ўсади;

– материал қатининг валлар билан дастлабки уринишидаги контакт бурчаклари йиғиндиси ва турғун жараёндаги қамров бурчакларининг йиғиндиси материал қатининг марказлар чизиғига нисбатан оғишига ва валларнинг вертикалга нисбатан оғишига боғлиқ бўлмайди.

Шунингдек, битта (куйи) узатмали валга эга бўлган умумлашган икки валокли модулдаги контакт бурчаклари топилди:

– материал қатининг валлар билан дастлабки уринишида

$$\alpha_{11} = \frac{1}{R_1 + R_2} \left( R_2 \left( \nu_1 - \nu_{\text{ш}} \frac{r_{\text{ш}}}{R_2} \right) + \delta_1 \gamma_1 \right), \quad \alpha_{21} = \frac{1}{R_1 + R_2} \left( R_1 \left( \nu_1 - \nu_{\text{ш}} \frac{r_{\text{ш}}}{R_2} \right) - \delta_1 \gamma_1 \right),$$

бу ерда  $\nu_1$  – куйи валнинг материал қати билан дастлабки уринишида ишқаланиш бурчаги;  $r_{\text{ш}}$  – узатмасиз вал бўғизи радиуси;  $\nu_{\text{ш}}$  – узатмасиз вал бўғизидаги ишқаланиш бурчаги;

– турғун жараёнда

$$\varphi_{11} = \frac{1}{R_1 + R_2} \left( R_2 \left( \nu_1 - \nu_{\text{ш}} \frac{r_{\text{ш}}}{R_2} \right) \sqrt{\frac{\delta_1 - h_1}{\delta_1 - h}} + \delta_1 \gamma_1 \right),$$

$$\varphi_{21} = \frac{1}{R_1 + R_2} \left( R_1 \left( \nu_1 - \nu_{\text{ш}} \frac{r_{\text{ш}}}{R_2} \right) \sqrt{\frac{\delta_1 - h_1}{\delta_1 - h}} - \delta_1 \gamma_1 \right),$$

$$\varphi_{12} = \frac{1}{R_1 + R_2} \left( R_2 \left( v_{12} - v_w \frac{r_w}{R_2} \right) + \delta_2 \gamma_1 \right), \quad \varphi_{22} = \frac{1}{R_1 + R_2} \left( R_1 \left( v_{12} - v_w \frac{r_w}{R_2} \right) - \delta_2 \gamma_1 \right).$$

Валлар жуфтлигидаги контактли ўзаро таъсир назариясининг асосий масалаларидан бири контакт эгри чизиклари шаклини аналитик ифодалашдан иборат.

Контакт эгри чизиклари шаклини моделлаштириш масаласи контактлашаётган жисмларнинг деформациявий хоссалари куйидаги реологик моделлар орқали берилганда қаралди:

$$\sigma_{ij} = E_{ij} \varepsilon_{ij} + \mu_{ij} \frac{d\varepsilon_{ij}}{dt}, \quad \sigma_{ij}^* = E_j \varepsilon_{ij}^* + \mu_j \frac{d\varepsilon_{ij}^*}{dt},$$

бу ерда  $\sigma_{ij}, \varepsilon_{ij}, E_{ij}, \mu_{ij}, \sigma_{ij}^*, \varepsilon_{ij}^*, E_j, \mu_j$  – мос равишда  $i$ - вал ўрамасининг ва материал қатининг сиқилиш ( $j=1$ ) ва тикланишдаги ( $j=2$ ) кучланиши, деформацияси, эластиклик модули ва ёпишқоқлик коэффициенти.

Гилдираклар ҳаракати назариясининг контактлашаётган жисмлар нисбий деформациялари тезликларининг нисбати ўзгармас деб ҳисобловчи гипотезаси қабул қилинди ва валлар контакт эгри чизиклари шаклининг моделлари топилди:

қуйи валок учун

$$\begin{cases} r_{11} = \frac{R_1}{1+k_{11}\lambda_{11}} \left( 1+k_{11}\lambda_{11} \frac{\cos(\varphi_{11}+\gamma_1)}{\cos(\theta_{11}+\gamma)} \right), & -(\varphi_{11}+\gamma_1) \leq \theta_{11}+\gamma \leq 0, \quad \gamma = \frac{\gamma_1\theta_{11}}{\varphi_{11}}, \\ r_{12} = \frac{R_1}{1+k_{12}\lambda_{12}} \left( 1+k_{12}\lambda_{12} \frac{\cos(\varphi_{12}+\gamma_2)}{\cos(\theta_{12}+\gamma)} \right), & 0 \leq \theta_{12}+\gamma \leq \varphi_{12}+\gamma_2, \quad \gamma = \frac{\gamma_2\theta_{12}}{\varphi_{12}}, \end{cases} \quad (4)$$

бу ерда  $k_{11} = \frac{H_1 \sin(\varphi_{11} + \varphi_{21})}{\delta_1 \sin \varphi_{21}}$ ,  $k_{12} = \frac{H_1 \sin(\varphi_{12} + \varphi_{22})}{\delta_2 \sin \varphi_{22}}$ ;  $\lambda_{11}, \lambda_{12}$  – қуйи валок

эластик ўрамаси ва материал қатининг мос равишда сиқилиш ва тикланишдаги нисбий деформациялари тезликларининг нисбати;

юқори валок учун

$$\begin{cases} r_{21} = \frac{R_2}{1+k_{21}\lambda_{21}} \left( 1+k_{21}\lambda_{21} \frac{\cos(\varphi_{21}-\gamma_1)}{\cos(\theta_{21}-\gamma)} \right), & -(\varphi_{21}-\gamma_1) \leq \theta_{21}-\gamma \leq 0, \quad \gamma = \frac{\gamma_1\theta_{21}}{\varphi_{21}}, \\ r_{22} = \frac{R_2}{1+k_{22}\lambda_{22}} \left( 1+k_{22}\lambda_{22} \frac{\cos(\varphi_{22}-\gamma_2)}{\cos(\theta_{22}-\gamma)} \right), & 0 \leq \theta_{22}-\gamma \leq \varphi_{22}-\gamma_2, \quad \gamma = \frac{\gamma_2\theta_{22}}{\varphi_{22}}, \end{cases} \quad (5)$$

бу ерда  $k_{21} = \frac{H_2 \sin(\varphi_{11} + \varphi_{21})}{\delta_1 \sin(\varphi_{11} + \gamma_1)}$ ,  $k_{22} = \frac{H_2 \sin(\varphi_{12} + \varphi_{22})}{\delta_2 \sin(\varphi_{12} + \gamma_2)}$ ,  $\lambda_{21}, \lambda_{22}$  – юқори валок

эластик ўрамаси ва материал қатининг мос равишда сиқилиш ва тикланишдаги нисбий деформациялари тезликларининг нисбати.

Контактлашаётган жисмларнинг валлар контакт соҳасида контактли ўзаро таъсири шартларини таҳлил қилиб,  $i$ - вал ва материал қатининг


сиқилиш ( $j=1$ ) ва тикланишда ( $j=2$ ) ушбу кўринишдаги ифодалари топилди:

$$\lambda_{ij} = \frac{E_j (\Delta l_{ij})_{cp} + \mu_j \left( \frac{dl_{ij}}{dt} \right)_{cp}}{E_{ij} (\Delta l_{ij})_{cp} + \mu_{ij} \left( \frac{dl_{ij}}{dt} \right)_{cp}}, \quad (6)$$

бу ерда  $(\Delta l_{ij})_{cp} = R_i \cdot \left( 1 - \frac{\sin 2(\varphi_{ij} \pm \gamma_j)}{2(\varphi_{ij} \pm \gamma_j)} \right)$ ,  $\left( \frac{dl_{ij}}{dt} \right)_{cp} = \frac{R_i \omega_i}{\varphi_{ij} + \gamma_j} (1 - \cos(\varphi_{ij} + \gamma_j))$ ,

минус ишораси юқори валга тааллуқли, яъни  $i=2$ .

(4) ва (5) тенгламалар системаларининг хусусий кўринишларини ва уларга мос валларнинг ишлов берилаётган материал билан ўзаро таъсирининг хусусий ҳолларини таҳлили кўрсатдики, олинган математик моделлар икки валокли модуллардаги ишлов берилаётган материалнинг валлар жуфтлиги билан барча хусусий ҳолларини ифодалайди.



2-расм. Омилларнинг контакт эгри чизиғи шаклига таъсирининг характерлари

Омилларнинг контакт эгри чизиғи шаклига таъсири характерини кўргазмали ифодалаш учун 2-расмда турли омилларда уларнинг графиклари тасвирланган.

Олинган (4) ва (5) тенгламалар системаси умумлашган икки валокли модулда контактлашаётган жисмларнинг деформациявий хусусиятлари

Кельвин-Фойгт реологик моделлари билан берилганда контакт эгри чизикларининг шаклини ифодалайди. (4) ва (5) тенгламалар системаларининг контактлашаётган жисмларнинг деформациявий хусусиятлари эмпирик формулалар билан берилгандаги хол билан таққосий таҳлили шуни кўрсатдики, улар бир хил кўринишга эга. Бундан, материал қатининг валлар жуфтлиги билан ўзаро таъсирида контакт эгри чизикларининг шакли контактлашаётган жисмлар деформациявий хусусиятларининг берилиш усулига боғлиқ бўлмайди дейиш мумкин.

(4) ва (5) тенгламалар системалари кўринишида олинган контакт эгри чизиклари тенгламаларидан фойдаланган холда контакт эгри чизикларининг узунликларини ҳисоблаш ифодалари аниқланди:

– қуйи валок узунлиги

$$l_1 = \frac{R_1}{3(1+k_{11}\lambda_{11})} \sin(\varphi_{11} + \gamma_1)(3(1+k_{11}\lambda_{11}) + \sin^2(\varphi_{11} + \gamma_1)) + \frac{R_1}{3(1+k_{12}\lambda_{12})} \sin(\varphi_{12} + \gamma_1)(3(1+k_{12}\lambda_{12}) + \sin^2(\varphi_{12} + \gamma_2)). \quad (7)$$

– юқори валок узунлиги

$$l_2 = \frac{R_2}{3(1+k_{21}\lambda_{21})} \sin(\varphi_{21} - \gamma_1)(3(1+k_{21}\lambda_{21}) + \sin^2(\varphi_{21} - \gamma_1)) + \frac{R_1}{3(1+k_{22}\lambda_{22})} \sin(\varphi_{22} - \gamma_1)(3(1+k_{22}\lambda_{22}) + \sin^2(\varphi_{12} - \gamma_2)). \quad (8)$$

Валлар жуфтлигидаги контактли ўзаро таъсир назариясида валларнинг контакт эгри чизиги кинематик нуктаи-назардан уч турдаги соҳадан иборат бўлишлиги қабул қилинган. Улар, орқада қолиб сирпаниш, ёпишиш ва илгарилаб сирпаниш соҳаларидир.

Қуйи валнинг контакт эгри чизигида орқада қолиб сирпаниш соҳаси, ёпишиш соҳаси ва илгарилаб сирпаниш соҳаси мавжуд бўлсин дейлик, бунда ёпишиш соҳаси сиқилиш соҳасидаги қисмдан ва тикланиш соҳасидаги қисмдан иборат бўлади.

(4) ва (5) тенгламалар системалари кўринишида олинган контакт эгри чизиклари тенгламаларидан фойдаланган холда орқада қолиб сирпаниш, ёпишиш ва илгарилаб сирпаниш соҳаларининг узунликларини ҳамда ёпишиш соҳасини сирпаниш соҳаларидан ажратувчи бурчакларни ҳисоблаш учун ифодалар топилди:

– қуйи валок учун

$$S_{\text{торс}} = \left( \frac{R_1(1+k_{11}\lambda_{11}\cos(\varphi_{11} + \gamma_1))}{1+k_{11}\lambda_{11}} - \frac{v_m}{\omega_1} \right) \left( \frac{\varphi_{11} + \gamma_1}{\varphi_{11}} \right) \frac{(\varphi_{11} - \varphi_{1s})}{2}, \quad (9)$$

$$S_{1on} = \left( \frac{R_2(1 + k_{12}\lambda_{12} \cos(\varphi_{12} + \gamma_2))}{1 + k_{12}\lambda_{12}} - \frac{v_m}{\omega_1} \right) \left( \frac{\varphi_{12} + \gamma_2}{\varphi_{12}} \right) \frac{(\varphi_{12} - \varphi_{15})}{2}, \quad (10)$$

$$l_{1nn} = l_1 - (S_{1oot} + S_{1on}), \quad (11)$$

$$\zeta_{11} = \left( 1 - \frac{v_m(1 + k_{11}\lambda_{11})}{\omega_1 R_1(1 + k_{11}\lambda_{11} \cos(\varphi_{11} + \gamma_1))} \right) \frac{(\varphi_{11} - \varphi_{15})}{2}, \quad (12)$$

$$\zeta_{21} = \left( 1 - \frac{v_m(1 + k_{12}\lambda_{12})}{\omega_1 R_1(1 + k_{12}\lambda_{12} \cos(\varphi_{12} + \gamma_2))} \right) \frac{(\varphi_{12} - \varphi_{15})}{2}, \quad (13)$$

бу ерда  $\varphi_{15}$  – куйи валокнинг нейтрал бурчаги

– юқори валок учун

$$S_{2oot} = \left( \frac{R_2(1 + k_{21}\lambda_{21} \cos(\varphi_{21} - \gamma_1))}{1 + k_{21}\lambda_{21}} - \frac{v_m}{\omega_2} \right) \left( \frac{\varphi_{21} - \gamma_1}{\varphi_{21}} \right) \frac{(\varphi_{21} - \varphi_{25})}{2}, \quad (14)$$

$$S_{2on} = \left( \frac{R_2(1 + k_{22}\lambda_{22} \cos(\varphi_{22} - \gamma_2))}{1 + k_{22}\lambda_{22}} - \frac{v_m}{\omega_2} \right) \left( \frac{\varphi_{22} - \gamma_2}{\varphi_{22}} \right) \frac{(\varphi_{22} - \varphi_{25})}{2}, \quad (15)$$

$$l_{2nn} = l_2 - (S_{2oot} + S_{2on}), \quad (16)$$

$$\zeta_{21} = \left( 1 - \frac{v_m(1 + k_{21}\lambda_{21})}{\omega_2 R_2(1 + k_{21}\lambda_{21} \cos(\varphi_{21} - \gamma_1))} \right) \frac{(\varphi_{21} - \varphi_{25})}{2}, \quad (17)$$

$$\zeta_{22} = \left( 1 - \frac{v_m(1 + k_{22}\lambda_{22})}{\omega_2 R_2(1 + k_{22}\lambda_{22} \cos(\varphi_{22} - \gamma_2))} \right) \frac{(\varphi_{22} - \varphi_{25})}{2}, \quad (18)$$

бу ерда  $\varphi_{25}$  – юқори валокнинг нейтрал бурчаги.

Бу формулалар билан ҳисоблашлар таҳлили кўрсатадики:

– материал қатининг марказлар чизиғига оғиш бурчаги ўсиши билан сирпаниш соҳалари асимптотик камаяди;

– валлар радиуслари ва ташқи кучларнинг  $Oy$  ўқига проекциялари ўсиши сирпаниш соҳаларининг ўсишига ва ёпишиш соҳаларининг камайишига олиб келади;

– ташқи кучларнинг  $Ox$  ўқига проекциялари камайиши сирпаниш соҳаларининг ўсишига ва ёпишиш соҳаларининг камайишига олиб келади.

Нормал ва уринма кучланишларнинг контакт эгри чизиклари бўйлаб тарқалиш қонуниятларини математик моделлаштириш материал қатининг валлар жуфтлиги билан контактли ўзаро мулоқати назариясининг марказий масаласи ҳисобланади. Ушбу масалани ечишда уринма ва нормал

кучланишларни боғловчи ишқаланиш кучланишлари моделлари ҳамда валоклар контакт эгри чизикларини моделлари асосий омиллар ҳисобланади.

Ш.Р.Хуррамов томонидан ишлаб чиқилган ишқаланиш кучланишлари моделларидан ҳамда контакт эгри чизиклари шаклларининг (4) ва (5) тенгламалар системалари билан аниқланувчи математик моделларидан

фойдаланган ҳолда контакт кучланишлари тақсимот қонунлари топилди:

– куйи валок учун

$$n_{11} = B_{11} \left( (E_1 - \mu_1 \omega_1 \operatorname{tg}(\varphi_{11} + \gamma_1)) - \frac{\cos(\varphi_{11} + \gamma_1)}{\cos(\theta_{11} + \gamma)} (E_1 + \mu_1 \omega_1 \operatorname{tg}(\theta_{11} + \gamma)) \right), \quad (19)$$

$$t_{11} = B_{11} \left( (E_1 - \mu_1 \omega_1 \operatorname{tg}(\varphi_{11} + \gamma_1)) - \frac{\cos(\varphi_{11} + \gamma_1)}{\cos(\theta_{11} + \gamma)} (E_1 + \mu_1 \omega_1 \operatorname{tg}(\theta_{11} + \gamma)) \right) \times \\ \times \operatorname{tg}(\theta_{11} + \gamma - \psi_{11} + \xi_1), \quad (20)$$

бу ерда  $B_{11} = \frac{\sigma_{1\max}}{E_1(1 - \cos(\varphi_{11} + \gamma_1)) - \mu_1 \omega_1 \operatorname{tg}(\varphi_{11} + \gamma_1)}$ ;

$$n_{12} = B_{12} \left( (E_2 + \mu_2 \omega_1 \operatorname{tg}(\varphi_{12} + \gamma_2)) - \frac{\cos(\varphi_{12} + \gamma_2)}{\cos(\theta_{12} + \gamma)} (E_2 + \mu_2 \omega_1 \operatorname{tg}(\theta_{12} + \gamma)) \right), \quad (21)$$

$$t_{12} = B_{12} \left( (E_2 + \mu_2 \omega_1 \operatorname{tg}(\varphi_{12} + \gamma_2)) - \frac{\cos(\varphi_{12} + \gamma_2)}{\cos(\theta_{12} + \gamma)} (E_2 + \mu_2 \omega_1 \operatorname{tg}(\theta_{12} + \gamma)) \right) \times \\ \times \operatorname{tg}(\theta_{12} + \gamma - \psi_{12} + \xi_1), \quad (22)$$

бу ерда  $B_{12} = \frac{\sigma_{1\max}}{E_2(1 - \cos(\varphi_{12} + \gamma_2)) + \mu_2 \omega_1 \operatorname{tg}(\varphi_{12} + \gamma_2)}$ ;  $\xi_2 = \operatorname{arctg} \frac{F_2}{Q_2}$ ;

– юқори узатмали валок учун

$$n_{21} = B_{21} \left( (E_1 - \mu_1 \omega_2 \operatorname{tg}(\varphi_{21} - \gamma_1)) - \frac{\cos(\varphi_{21} - \gamma_1)}{\cos(\theta_{21} - \gamma)} (E_2 + \mu_1 \omega_2 \operatorname{tg}(\theta_{21} - \gamma)) \right), \quad (23)$$

$$t_{21} = B_{21} \left( (E_1 - \mu_1 \omega_2 \operatorname{tg}(\varphi_{21} - \gamma_1)) - \frac{\cos(\varphi_{21} - \gamma_1)}{\cos(\theta_{21} - \gamma)} (E_2 + \mu_1 \omega_2 \operatorname{tg}(\theta_{21} - \gamma)) \right) \times \\ \times \operatorname{tg}(\theta_{21} - \gamma - \psi_{21} + \xi_2), \quad (24)$$

бу ерда  $B_{21} = \frac{\sigma_{2\max}}{E_1(1 - \cos(\varphi_{21} - \gamma_1)) - \mu_1 \omega_2 \operatorname{tg}(\varphi_{21} - \gamma_1)}$ ;

$$n_{22} = B_{22} \left( (E_2 + \mu_2 \omega_2 \operatorname{tg}(\varphi_{22} - \gamma_2)) - \frac{\cos(\varphi_{22} - \gamma_2)}{\cos(\theta_{22} - \gamma)} (E_2 + \mu_2 \omega_2 \operatorname{tg}(\theta_{22} - \gamma)) \right), \quad (25)$$



$$t_{22} = B_{22} \left( (E_2 + \mu_2 \omega_2 \operatorname{tg}(\varphi_{22} - \gamma_2)) - \frac{\cos(\varphi_{22} - \gamma_2)}{\cos(\theta_{22} - \gamma)} (E_2 + \mu_2 \omega_2 \operatorname{tg}(\theta_{22} - \gamma)) \right) \times \\ \times \operatorname{tg}(\theta_{22} - \gamma - \psi_{22} + \xi_2), \quad (26)$$

бу ерда  $B_{22} = \frac{\sigma_{2\max}}{E_2(1 - \cos(\varphi_{22} - \gamma_2)) + \mu_2 \omega_2 \operatorname{tg}(\varphi_{22} - \gamma_2)}$ ;  $\xi_2 = \operatorname{arctg} \frac{F_2}{Q_2}$ ;

– юқори узатмасиз валок учун

$$t_{21} = -B_{21} \left( (E_1 - \mu_1 \omega_1 \operatorname{tg}(\varphi_{21} - \gamma_1)) - \frac{\cos(\varphi_{21} - \gamma_1)}{\cos(\theta_{21} - \gamma)} (E_2 + \mu_1 \omega_1 \operatorname{tg}(\theta_{21} - \gamma)) \right) \times \\ \times \operatorname{tg}(\theta_{21} - \gamma - \psi_{21} - \xi_2), \quad (27)$$

$$t_{22} = -B_{22} \left( (E_2 + \mu_2 \omega_2 \operatorname{tg}(\varphi_{22} - \gamma_2)) - \frac{\cos(\varphi_{22} - \gamma_2)}{\cos(\theta_{22} - \gamma)} (E_2 + \mu_2 \omega_2 \operatorname{tg}(\theta_{22} - \gamma)) \right) \times \\ \times \operatorname{tg}(\theta_{22} - \gamma - \psi_{22} - \xi_2), \quad (28)$$

бу ерда  $B_{22} = \frac{\sigma_{2\max}}{E_2(1 - \cos(\varphi_{22} - \gamma_2)) + \mu_2 \omega_2 \operatorname{tg}(\varphi_{22} - \gamma_2)}$ .

Контакт кучланишларининг ҳар бир валок эгри чизиғи бўйлаб тақсимот характерини таҳлил қилишда бу эгри чизиқда ёғувчи икки нукта алоҳида аҳамиятга эга. Биринчи  $\varphi_{16}$  нуктада нормал кучланиш максимумга тенг бўлади, яъни у нормал кучланишнинг максимум нуктаси бўлади. Иккинчи  $\varphi_{15}$  нуктада уринма кучланиш нолга тенг бўлади, яъни у нейтрал нукта бўлади.

Улар қуйидаги кўринишга эга:

– қуйи валок учун

$$\varphi_{16} = \frac{\mu_1 \omega_1 \varphi_{11}^2}{E_1(\varphi_{11} + \gamma_1)^2}, \quad \varphi_{15} = \frac{\varphi_{11}^2 (1 + k_{11} \lambda_{11} \cos(\varphi_{11} + \gamma_1))}{(\varphi_{11} + \gamma_1)^2} \cdot \frac{F_1}{Q_1},$$

– узатмали юқори валок учун

$$\varphi_{26} = \frac{\mu_1 \omega_2 \varphi_{21}^2}{E_1(\varphi_{21} - \gamma_1)^2}, \quad \varphi_{25} = \frac{\varphi_{21}^2 (1 + k_{21} \lambda_{21} \cos(\varphi_{21} - \gamma_1))}{(\varphi_{21} - \gamma_1)^2} \cdot \frac{F_2}{Q_2},$$

– узатмасиз юқори валок учун

$$\varphi_{26} = \frac{\mu_1 \omega_2 \varphi_{21}^2}{E_1(\varphi_{21} - \gamma_1)^2}, \quad \varphi_{25} = -\frac{\varphi_{21}^2 (1 + k_{21} \lambda_{21} \cos(\varphi_{21} - \gamma_1))}{(\varphi_{21} - \gamma_1)^2} \cdot \frac{F_2}{Q_2}.$$

Контакт кучланишларининг олинган моделлар ва тақсимот графикаларининг таҳлили асосида қуйидагилар аниқланди:

– нормал кучланишларнинг максимал қиймати ва тақсимот графигининг максимум нуктаси ишлов берилувчи материалнинг марказлар чизиғига оғишининг ҳар хил қийматларида турли қийматлар қабул қилади;

– бошқа параметрларнинг бир хил қийматларида  $m_1 = \frac{\mu}{E}$  катталикнинг ошиши билан нормал ва уринма кучланишларнинг максимал қиймати ўсади;

–  $m_2 = \frac{F}{Q}$  катталик уринма контакт кучланишларининг тақсимотиغا катта таъсир кўрсатади.  $m_2$  қанчалик катта бўлса, узатмали (узатмасиз) валокда нейтрал нукта марказлар чизигидан шунчалик чапда (ўнгда) жойлашади.  $m_2$  нинг ўсиши мусбат уринма кучланишларнинг ошишига олиб келади.

–  $m_2$  катталик нормал кучланишларнинг тақсимотиغا узатмали валокда ҳам узатмасиз валокда ҳам таъсир қилмайди;

– валокнинг ишлов берилувчи материал билан статик ўзаро таъсирида нормал кучланишнинг максимал бурчаги (мос равишда максимал нуктаси) марказлар чизигида ётади.

Олинган ҳисоблаш натижалари ва графиклар кўрсатадики, нормал ва уринма кучланишлар контакт эгри чизиқлари бўйлаб нотекис тақсимланади:

